
Қозоғистоннинг Туркистон шаҳри расмийлари - Риштон туманида

Туркистон шаҳар ҳокимлиги ва турли соҳа раҳбарларидан иборат делегация, Ўзбекистон бўйлаб ўтказилаётган тур доирасида, туманимизга ташриф буюрди.

Меҳмонларга турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар хусусида маълумот берилди.

Туркистон ҳам Риштон каби тарихий шаҳарларидан бўлиб, ташриф доирасида масъуллари маданий мерос объектларини тиклаш, ҳунармандчилик, туризм ва туризм инфраструктурасини ривожлантириш борасида тажриба алмашишди.

Меҳмонлар "Мингбоши Керамик" қулолчилик кластери, "Р+Корон" қулолчилик музейи ва "Халқаро қулолчилик маркази"да бўлишди.

2023-02-10 18:20:22